


Тазагул ЗАКИРОВА

Ташлар виқори





Кўлингиздаги тўпладан сузоқлик ҳассос шоира, Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тазагул Закированинг кейинги йилларда ёзган шеърлари ўрин олган. Шеърларни ўзбек тилига ўгирган Розия Холхўжаева шоиранинг ҳис-туйғулари, унинг ижодига хос кўз қарашларни тўлиқ беришга ҳаракат қилган.

Т. Закированинг ўзбек тилидаги иккинчи китоби ҳам сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

ТАЯНЧ

Тоғ таянчим, тоғлар ерга таянар,
Кўл-оёғи, илдизи ер қаърида.
Осмонларни тутиб турар чўққилар,
Она ерга таъзими дил тўрида.

Одим отиб орзулар қанотида,
Борган сайин қадамларим мустаҳкам.
Интиламан чўққиларга етсам деб,
Тоғ таянчим, агар йўлда тойилсам.

Арчазорлар Улуғ тоғни таянган,
Кўкка ўсиб, борган сайин ясанар.
Кийик ўти, турфа қушлар йўрғалаб,
Тоғ тўшидан қувват олиб яшарар.

Тоғлар турар виқор билан куну тун,
Кўш қанотин она ерга паст тутиб.
Мустаҳкамдир чуқур кетган илдиз-ла,
Юрагида сирли кўшиқ, куй битиб.

Гоҳи шодмон, гоҳи маҳзун умрда
Тоғлар таянч менга, Куёш, осмонга.
Тоғнинг сири қалб кўшиғи қирғизнинг,
Тоғ таянчдир кўнглини дард босганга.

Тоғ таянган йўллар борар юксалиб,
Дунё таниб, олисларга кўз ташлаб.
Тоғлар куйлар асрларга жўр бўлиб,
Қирғиз яшар тоғларини ардоқлаб.

Тоғлар собит, буюк ердан ўсдим дер,
Кўрғоним дер тоғларини она ер.
Самога ҳам тиргак улар гўёки,
Кўклам каби элга ризқ-рўз сочсам дер.

КУЗ КЕЛДИ

Кузги тушин кўриб битмай оҳ уриб,
Куйиб тушар ўрикларнинг япроғи.
Қизғиш-сарғиш тусга кириб ўрикзор,
Кўринмайди айрилиқнинг адоғи.

Куртак бўртар, кўксида гул яширин,
Келажакка умид билан тутар кўз.
Аста-аста ёйиб борлиққа сиριν,
Ҳар бир япроқ изҳор этар дилдан роз.

Кунлар ўтиб, тонглар отиб, куз келди,
Ёпди қанча жуфт изларни япроқлар.
Сукунатга чўмди хомуш ўрикзор,
Тўкилган барг ердан нени сўроқлар?

Навқирон қиз у, бўз бола югурган,
Чаман гулга, ишқ-вафога севинган.
У кундан-кун қалбга тўлган туйғулар,
Дил тўрига тилсим бўлиб бекинган.

Кўкси тўла ҳеч туганмас армонлар,
Ёш тўкади олов рангли япроқлар.
Кўзин юмса ўрик гули тушида,
Кўзин очса қовжираган бутоқлар.

Ҳазонрезлик ёпиб қанча изларни,
Заъфарон ранг, бирам маъюс куз келди.

ОНАМ ЁДИ

Турмуш ташвишлари эзиб дилимни,
Унутганман шуҳрат нима, нима шон.
Норасида ини-сингил, мен ёшман,
Чидаб бўлмас қайғу-алам чекди жон.

Вақти келиб момолардай уй тутиб,
Тери ошлаб, кигиз босиб, титиб жун,
Бажарардим уй ташвишин елкалаб,
Шу зайлда ўтди-кетди ёшлигим.

Эслаб йиғлаб ҳар қийналган чоғимда,
Онажоним тинч ётқизмай жойида,
Оналига ўксиб қараб ҳавас-ла,
Армон билан соғинаман доимо.

Қўллари кигиз пешонамни силарди,
Маъюсгина кўзларингиз ёлворган.
Ўйлайвериб юрак қонга тўларди,
Кичик бўлиб кетганим рост армондан.

Кунлар ўтар аямасдан бағритош,
Қайтай демас қарғиш теккан шамолдай.
Тақдирга тан бердим доим йўлимда,
Қайга борсам онам руҳи аъмолдай.

Кўлдек тўкиб кўз ёшимни фироқдан,
Иқбол менга қайта кулиб боқмади.
Онажоним нурли ёди чироқдай,
Руҳи шодмон бўлсин қайтиб меҳнати.

Онажоним ёди бериб мадад, куч,
Қувват олдим, барака бор ишимда.
Енга олгум қандай тўсиқ келса дуч,
Она руҳи қўллар ёзу қишимда.

Онам берган чексиз шуур ҳам мехр
Ва оқ сути озиқ бўлди умримга.
Пешонамда балққан ёруғ юлдуздек
Ҳамроҳ бўлар, шукр дейман Танграмга.

ЙЎЛ БЕРДИМ

Нон бердим, туз бердим, йўл бердим,
Шумшайсанг арслондек куч-виқор.
Мехримдек ифорли гул бердим,
Бўлсин деб доимо толе ёр.

Кўй бердим кўпқари, беллашга,
Ипак ёл, кўш тизгин арғумоқ.
Зарбидан ўт чиққан қамчингни
Чопмай тур, шуниси яхшироқ.

Тулпорнинг уволи бўйнингда,
Шақирлаб кўтир тош кўйнингда,
Шумлигинг дастидан ўзингни
Қон йўлда қарғишга кўйдинг-да,
Феълингга яраша бўлдинг-да!

БАХТНИ ЖИЛОВЛАБ

Ўтди йиллар уюр-уюр отлардек,
Кунлар - зумда чошиб ўтган арғумоқ,
Боғлаб қўйса бардош бериб тургудай,
Пода эмас, умр ўтар, у - чақмоқ.

Ўзинг менга ошиқ бўлиб юракдан,
Туйғулар - ўт, жон ҳовучлаб турганмиз.
Унутилмас улуғ бахтни жиловлаб,
Муҳаббатнинг хон саройин қурганмиз.

Интизор жон, юрак ўйнаб қулундек,
Шашти унинг гўё чопқир арғумоқ.
Дил хумори қарашлардан бўлар фош
Соғинч дарди юракларни ўртар чоғ.

Ишқ бўй берса тутиб бўлмас куч билан,
Фикри, ёди жисму жонни ўртаган.
Қаторлашиб оққушлардай қайгадир
Учиб кетди, буни ҳеч ким кутмаган.

Эргаштириб ортда қатор йилларни,
Хотирада сақлар тақдир яширмай.
Йўлиқармиз асраса гар бу жонни,
Имкон келса тутиб қўлдан қочирмай.

Йўлиқармиз Тангри асраб бу жонни,
Имкон келса тутиб қўлдан қочирмай.

БАҲОР УЙҒОНДИ

Сувни тилиб эшкак билан оҳиста,
Қўзғатгандек сон-саноксиз ўйларни,
Сулув қиздек зеболаниб табиат,
Ис-ифорли эрка баҳор уйғонди.

Ҳилпираган рўмолидан олтиндек
Қуёш нури ёғиб турар самодан.
Дарёдаги музларни ҳам парчалаб,
Атроф яшил тусга кирар дамодам.

Қиш совуғи дилдиратган бу тоғлар
Энди яйрар, оқар зилол булоқлар.
Қор ҳоритган отлар искар яшил ўт,
Сутга тўйиб сакрар қўзи-улоқлар.

Соат сайин Аллоҳ бериб ризқу рўз,
Жўшар юрак асов тойдек дамодам.
Қушлар сайраб гул баҳордан очар сўз,
Сирин очар мавжли дарё - ҳаёт ҳам.

Чор-атрофни буркаб нурга ва бахтга
Кун айланар, тонг ҳам эмас абадий...
Чошгоҳ қўнар, туш пайти зўр манзара,
Нурли баҳор муҳаббатдек уйғонди,
Бедор юрак потирлайди, эҳ, қара!

АЙТАРИМ

(Ота сўзи)

Мен оғрисам, беринглар-чи шаробдан,
Чарчаб келсам агар қонли ғазотдан,
Курашлардан қоидасиз, аёвсиз -
Сақлаб қолсин жон қийнаган азобдан.

Беринглар-чи жон сақловчи косани,
Эса агар хирмон янчган мола-тош.
Йўлатмайин заҳар сочган дамларни,
Кипригимдан оқса ҳамки қонли ёш.

Мен оғрисам, беринглар-чи бол севги,
Садоқатли мухлисларим, дўстларим.
Найза ботиб, ханжар тилса юракни,
Пастлик қилган номардларни эсладим.

Мен оғрисам, беринглар-чи меҳрни,
Ёлғиз қолиб, ўксиб хомуш бўлмайин.
Холис сўзлаб, яширмам не деримни,
Ялтоқланиб хушомадда ўлмайин.

ҲАҚИҚАТ ДЕБ

Бошин силаб кўрнамакни куну тун
Қанотидан кўтардим-да, учирдим.
Бўккандан сўнг кешигимга, ҳаволаб
Қулаб тушди, шунисидан чўчирдим.

Ичган тузин оқлаш қайда, кибрдан
Кўролмаслик кўзин қоплаб оқ билан,
Элдан ажраб, тўғри йўлдан адашиб,
Келар ҳориб тикан босган шох билан.

Ўрдак билан чулдуқ ҳеч бир тенглашмас,
Тортишади, амал учун берар жон.
Холис Тангрим қўяр ўрни-ўрнига,
Қора ният кўкармайдиган ҳеч қачон!

Аллоҳимнинг қутлуғ ишқи кун сайин
Эзгуликка кенг йўл очар, бу тайин.

У

Осмонни ташлайман дер,
Ер билан юрмайман дер,
Аёвсиз курашда ҳам
Орқага қочмайман дер.

Айрилиш йўлда кўрдим:
Судралган илон бўлиб,
Кўз олди туман бўлиб,
Қиёфаси турланиб,

Феълида кибр, ўзин
Устун сезиб доимо,
Бадфеъллиги ортидан
Торайди унга дунё.

Уалаган бурон, ту *** ас күшик

Бировнинг ҳақин еган,
Ўзининг бошин еган.
Ёлғончи одам нодон
Ҳам бору йўғин еган.

Қарғаниб тўшин урар,
Залолат йўлда юрар,
Ростлик йўқдир сўзида,
Кўпикдан бино қураар.

Алдоқчи шайтон каби
Ёлвориб келар йиғлаб.
Ачиниб қўллаб қўйсанг,
Куйдириб кетар доғлаб.

Рўдедек гоҳи ўйнаган.

Кўз куйдириб кетар йўлдан,

Икки юзли, икки оёқли жонзот
Кулиб алдаб ҳар нарсани пуллаган.
Кимдан фойда кўрса доим суйкалиб,
Фойдани деб ҳар мақомга ўйнаган.

Бўлмас унда миллат, уруғ, қариндош,
Бўлмас унда иймон, виждон, номус, ор.
Сурбетликдан фарқлай олмас ўзи ҳам
Икки бетин қай бирида уят бор.

Тўғри йўлга ундаб уни нечалар,
Кўндиролмай бўлдилар кўп овора.
Яқин борсанг юқар қозон қораси,
Нафси унинг палак отар тобора.

...аднокам нодон ту унинг

Папкалилар, шапкалилар кўпайган,
Ҳар каллада турли-туман фикр бор.
Ҳоли етса, етмаса ҳам талашар,
Ақли эмас, пули унинг устувор.

“Кўки” яхши етмоқ учун тилакка,
Ишонч катта муштуми зўр билакка.
Юрт тақдири, инсон қадри нимадир,
Сиғмай қолди улар пулли юракка.

Ота-она ва Ватанни севмоқлик,
Деган сўзлар папуаслар тилидай
Ўгирилмай, етмай шуур, онг-фикр,
Унутилиб бораётир билинмай.

АЁЗ ҚЎШИҚЛАРИ

Увлар бўрон, очирмай кўз,
Айланар чалиб ҳуштак.
Тегмас ерга қор оёғи,
Супурар, ер яхмалак.

Сирпанчиқ муз, тўнғиган ер,
Қорга интиқ, зорланар.
Увишиб шохи синар
Кўз ёши тўнғиб олмалар...

Тинчлик бермас ўй ва хаёл,
Жўр бўлади бўронга.
Шивирлайди тоғ, дала, қир,
Соғинч тўнган маконда...

Увлаган бўрон, туганмас қўшиқ
Айланар дил даласин.
Туманли дала, кўринмас сўнги,
Кўтаролмас калласин...

Йилт этган ёруғ дарвешдай санғиб,
Оламини кезар ҳар замон.
Қушлардай ёт, қайрилиб келмас
Чақмоқ севгинг сен томон...

Атроф гир айланар, бошинг ганғиб
Зулматлар ичра босарсан.
Сенга етмаса дунёни қоплаган ёруғ,
Айтгин, қандай яшарсан!?

Муҳаббат – бу аччиқ улуш,
Рўёдек гоҳи ўйнаган.
Кўз куйдириб кетар қўлдан,
Гўё ҳижронга тўймаган.

Изғирин, бўрон, қоп-қора тундай
Музлаган умид, гўёки маржон...
Узилиб тушиб беҳосдан,
Бердим қора тунда жон...

Куйган кўнгил маҳв этар бўронни,
Таслим бўлмас, асрайди жонни.

Бошлаб қўйиб ашулангни
Олислайсан, бағритош.
Пешонамга қазғоқ бўлдинг,
Дуч келмагин менга, қоч!

Учрамагин йўлларимда,
Тиканзорли, қуюнли.
Менинг кўнглим тушунчали,
Ҳислар керак куйимли.

Дуч келмагин қиш чиллада,
Қирқ посбоним қўриқлар.
Оқ қанотли тонгги елдек
Хаёллар мени тўлғар.

Тинчлигимни ўғирладинг,
Бўй кўрсатмас жозиба.
Эзилдингми ўйлар босса
Нурсиз, ҳиссиз гоҳида.

Қайғу босган икки кўзинг,
Ўқиб бўлмас дил сириг.
Боқмагин умидсиздек,
Кўнглингда не яширин?

Шеърларимни - булоқ, ерни,
Тоғни, кўкни мақтаган,
Тинглаб далда берар менга,
Оддийгина бир одам -

Турар менинг йўлим қараб,
Дуч келмагин сен менга.
Олислагин, совуқ йўлда -
Муз юрагинг ўзинга.

Дуч келмагин, дуч келмагин
Сен менга!

* * *

Чархпалакдек айланган қорли кунлар,
Қўнинглар тоғ, далага шодон!
Бахт келтириб ҳар куни тонгда,
Ҳеч бир юракда бўлмангиз армон.

Бахтнинг қадрини билгувчи одам
Куйласин, ўйнасин чархпалак қордай.
Мен ҳам ўйнайин роҳат ҳис этиб,
Тоғлардай, дарёдай, чарчамас нордай.

Дунёда барчаси рақсдек айланар,
Муסיқа алмашар, алмашар шерик...
Гоҳида денгизнинг камаяр суви,
Дарёга сув кирар музликлар эриб.

Қақшаган дала бор, қуримас созлар,
Асрни қамчилар шамолдек турмуш.
Сен учиб ўтарсан соянг ҳам қолмай,
Пўстинга ўралиб ўт қалар бир қиз...

Топ-тоза атроф ҳам, оқ тўн ёпинган,
Ўт ёнар ўчоқда юрак чўғидай!

Мўлқчиликнинг қўлини қўйиб
Бир-бирини қувватлаб қўлайди.
Куйчилар - эрикатой бўлаётди.
Денгизга боргандай юлдузди.

Кўк музлар чўққидан суюлар,
Булоқлар дарёга қуйилар.
Билакдек бўлса ҳам, овози
Шилдираб жарангдор туюлар.

Елади кўк тулпор - эрксевар,
Булоқлар!

Булоқлар! Куй чалар!

ҚАРОВСИЗ КЕКСАЛАР

Юрган вақтда тирикчилик ғамида
Кириб келди қиш қиличин қайраган.
Улғайганда қайда юрар кўринмай
Тун уйқунгни учга бўлган бир боланг.

Эркалатиб, бошинг узра кўтариб,
Катта қилдинг ўзинг емай, едириб.
Қайда юрар белдан қувват кетганда
Сени ёлғиз ташлаб бетин сидириб?

“Бола белда, аёл йўлда” дер эди,
Ўғил боқмай, етим бўлди кампир-чол.
Ота давлат, она жаннат бешиги,
Яратганга аён фақат ушбу ҳол.

Бугун энди меҳрга зор - арасот,
Умид билан жовдирайди кўзлари,
Оқибатсиз калтафаҳм болани
Тутар бир кун ота-она бўзлари.

Кўл қараган умр қиши келганда
Ҳамон тушмас яғир бўлган елкангдан.

ИҚБОЛИМ БОР ЭКАН

Иқболим бор экан, у кулиб,
Сизга учраб талпиндим гул сайлига.
Эгаллади бахтли кунлар дунёни,
Чексиз шукр тақдирнинг бу майлига.

Пешонага ёзгани бор, ёзмаган,
Ким тақдирнинг йўлларида кезмаган.
Ҳаёт - кураш, баланди бор, пасти бор,
Жон чекмасанг, бахтнинг ўзи келмаган.

Келибсиз-да ўтлар қалаб дилимга,
Қуёш каби нурлар сочиб йўлимга.
Такрорлайман исмингизни пинҳона,
Соф туйғулар озиқ кўнгил гулимга.

Исмим айтиб ёлворсангиз умидвор,
Дил кимдандир ҳаё қилиб яширган.
Тақдир худди бир ялт этиб фалакдан,
Сездирмайин ёниб тушар яшиндай.

Иқболимдан розиман, сиз келибсиз,
Асрий йўллар қанотида кезибсиз,
Ҳақ буйруғун бузолмайди бандаси,
Насиб этиб, тақдир гулим узибсиз.

Илҳом қўзимагай қай бир ошиқда,
Сизни куйлагайман шеърда, қўшиқда!

Неча бор кўлагак бошингга осмон.

Оналар ёш тўғиб тилайди тилак.

Сақланса сақлайди зуредни унда.

Айрилмагин элдан, айрилма ердан.

Худойим, итти қан мустофир қилма!

Мухожир бўлдинг сен яна деб хондай.

Тошганим сенининг тушунай қандай?

ҲУМО ҚУШИ

Тонг отишин қанча банда қўмсаган,
Тонгга етиб, нурни кўрсам дер экан.
Сўнгги дамда юздан ўтган бобо ҳам,
Кошки тонгни кўриб кетсам дер экан.

Тонг шамоли жисму жонни яйратган,
Бандаларга тонг ризку рўз таратган.
Лек мергандир ажал деган, билмайсан
Қачон тегар сенга ўқи у отган.

Қиш совуғин изғирин ел кучайтар,
Умр сўнгин эсга солар бўкириб.
Омад боқса ишинг келар ўнгидан,
Баҳиллардан юзин кетар ўгириб.

Тонгга етмоқ - Яратгандан иноят,
Музлар эрир кун нуридан олиб тафт.
Булоқ куйлаб томчи сувин келтирар,
Ҳаёт - тақдир, умр эса бир муддат.

Кошки қўнса Ҳумо қуши бошимга,
Вақт тўхтамас, тонгда не сир яширин?
Ўзинг қўлла, эй меҳрибон Аллоҳим,
Тутиб олай келган омаднинг бирин.

Нурли қилгин доим менинг юзимни,
Териб юрай сочилган ризқ-рўзимни.

Умид билан жондирайди кузлари,

Оқибатсиз қалтафаҳм болани

Тутар бир кун ота-она бўзлари.

Қўл қараган умр қиши келганда

Ҳамон тушмас яғир бўлган елкангдан.

ХОНДАЙ ЯШАЙ ДЕБ

Онамни соғинтириб, соғиниб ўзим,
Тирикчиликни деб мусофир бўлдим.
Бойликка умрни боғлаган ҳаёт,
Молу дунё - булар киридир қўлнинг.

Ватанни қўмсаб юраман доим,
Дейман яшасак биз ҳам элдай.
Ишлайман кун-тун яшасин дея
Оиламу онам тузи кам бўлмай.

Юртимдан кетдим аямай жонни,
Йўлларимда кутар турли синовлар.
Кўнаман очликка, иссиқ-совуққа,
Аҳддан қайтаролмас ҳеч қандай ғовлар.

Мухожир бўлдим, арзон куч тайёр,
Ёлландим қулдай - қирғизим, ўйла -
Яшашим учун хонлардай яхши,
Бироқ сочилар пул бир кунлик тўйга...

Бир қирғиз кўринмас ўзига пишиқ,
Аёллар ҳам пулни сочар аямай.
Пулни ишлаб топиш қанчалар мушкул,
Тўкиб соласанми уни санамай?

Жилмайиб турсам-да, дард ўтар ичдан,
Элга ёқиш, ахир, эрурми осон?
Шу пулларни дея қанча тер тўкдинг,
Неча бор қулаган бошингга осмон.

Оналар ёш тўкиб тилайди тилак,
Сақланса сақлайди зурёдин унда.
Айрилмагин элдан, айрилма ердан,
Худойим, итни ҳам мусофир қилма!

Мухожир бўлдинг сен яшай деб хондай,
Топганинг сочишинг тушунай қандай?

КУНЛАР КУЙДИ

Ҳаёт - яшаш, турмуш деб,
Кунлар куйиб кул бўлди.
Бири бўлса, бири йўқ,
Бу синовда ким эпли?

Бора-бора куз куни
Изғиринга айланар.
Оқ бўз тулпор ичиккан,
Оқ сувлиғи чайналар...

Арғумоқни елдириб,
Совутади соҳиби,
Арпа солиб тўрвага,
Овутади соҳиби.

Пойга учун чавандоз
Тобламоқда йўрғасин.
От сувлиғин солади,
Олиб аста тўрвасин.

Чақир тошли олис йўл,
Эҳ, туёқлар эзилган...
Ёшлик эсда - қаламқош
Хўв олисдан сузилган...

Тулпор миниб неча бор
Тушган эдим беллашга.
Орият ва обрўни
Кўп ярадим асрашга.

Заҳарли, қайралган тил
Кўнгилни қилар хира.
Озорли сўзларидан
Қолар ёмон хотира.

Куз кунида шабада
Айланса ҳам шамолга,
Умрнинг тўғри йўлин
Етказарман камолга.

ЯРАТГАНГА ОЛҚИШ

Кўп чақирсанг кун ўрнидан турарми,
Сен томонга бир бор кўнгил бурарми,
Кўкка қараб ёлворсанг ҳам ҳисобсиз,
Қайриларми ортга, сўзинг уқарми?

Кунлар ўтиб, келди умр куз они,
Ёшлик кетган, ўтган баҳор айёми.
Оҳ урсанг ҳам сенга бир бор қайрилмас,
Энди келар куз фаслининг давоми.

Шукр келтир бу ҳаётга ҳисобсиз,
Чақмоқдайин ўтган бахтли онларга.
Бошинг эгиб рози бўлгин ҳаётдан,
Узун йўлга, ортга қайтмас кунларга.

Ҳали келар қиш қиличин қайраган,
Сувлар музлар, музлар гиёҳ яйраган.
Қиш уйқуси келган айиқ мисоли
Совуқ урган ё чалажон жону тан.

Садо бериб умр сўнгин зоҳири,
Кутиб турмас, йўқдир ҳеч бир кафолат.
Олқиш айтиб Яратганга шукр қил,
Кунлар бордир, келар ундан куч-қувват.

ҚИЗЛАРИ ЭДИК

Ҳаяжон-ла ўқиб чиқиб шеъримни,
Яширмасдан айтдинг менга бир сирни.
Ширин дамлар жонланади бирма-бир,
Кўзларингда кўрдим ўтган асрни.

Биз қувнаган қизғалдоқли тепалар
Энди бўлди иккимиздан ҳам йироқ.
Қиздирса ҳам кўнгилларни хотира,
Болаликни қайтармайди у бироқ...

Сен олислаб, мен олислаб кетибмиз
Гўзал онлар, гуллар тўла водийдан.
У тарафда куйлар ҳозир бошқалар,
Бизнинг боғлар боқар энди мозийдан.

Ёққан қорнинг қировидай сочларинг,
Ёдга солдинг болаликнинг осмонин.
Чорласанг ҳам қўймас ортга қайрилиб,
Сенинг, менинг кўркам, гўзал ёш чоғим.

Қизлари эдик эртакдек у кунларнинг,
Унутмасдан дилда сақлаб юраман,
Ушбу дам ҳам у ён-бу ён югуриб,
Тергим келар гулларни турли-туман.

Кўзларингда кўрдим ўтган асрни!..

Заҳарли, қайралган тил
Кўнгилни қолар хира,
Озорли сўзларидан
Қолар ёмон хотира.

Куз кунинда шабада
Айланса ҳам шамолга,
Умриниң туғри йўлин
Ётказарман камолга.

ГУЛДАЙ БОЛАЛИК

Кўзи-улоқ боқиб бирга югурган,
Тутмоқ бўлиб капалакка етолмай,
Унутилмай ёдда турар болалик,
Айланар у жон дунёмдан кетолмай.

Кўп жойларнинг ўтовида исиндим,
Кўнгил яқин дўстлар кутди қувониб.
Туз тотидим, насиб этиб юрт кўрдим,
Болаликни бўлмас ёддан чиқариб.

Кўнгил маҳкам овулимга боғланган,
Тоғлар ўраб, кўкни бургут айланган.
Тўқиш учун эшилган ип гўёки
Қишлоғимга тортиб турар қайтадан.

Умрим ўтди учоқ, поезд, кемада...
Яна перрон, аэропорту пристань...
Тортар мени ип ҳам онам йигирган,
Юртим энди бўлиб кетган гулистон.

Болалигим, ота-онам, она юрт -
Бир бутунлик, қувват берган ёнган ўт.

ХҲРОЗ УНИ

Бу карамли дунёнинг несин айтай,
Таърифласам тугамайди сўз билан.
Ашъор надир, сиғмайди дostonларга,
Тилсимларин кўриб бўлмас кўз билан.

Кўзга суртиб, севаман шuvoғин ҳам,
Хўроз бизни уйғотар ҳар субҳидам.
Улуғ кунга ҳисобсиз таъзим қилган
Хўроз уни Аллоҳга ёқар шу дам.

Турар доим карамли, хосиятли,
Тангрининг синовида кенг бу жаҳон.
Адашиб ё унутиб ухлаб қолмай,
Бажарар ўз ишин у ҳар бир он.

Биз, бандалар кўп бузиб қoидани,
Тўқчиликда Тангрини унутамиз.
Кечирар деб отага ишонгандай,
Миннат қилиб гоҳ Уни уришамиз.

Сув хўпласа ютинма й кўкни қараб,
Шукрона келтириб кейин ичган -
Хўрозчалик оқибат қилмас банда,
Кўп норози яшайди, армон - ичда.

Бу дунёнинг ҳайратли ишлари кўп,
Иш юришиб, “еса ҳам итлари чўп”,
Юҳо бўлиб қолгандай кўзи тўймай,
Бойлигига кул бўлиб қолгани кўп.

Томчи сувни Аллоҳни алқаб ютиб,
Хўроз кунда уйғотар Кунни кутиб!

ХҲРОЗНИНГ ҚҲШИҒИ

Тонг ризқ сочар, эрта тулинг, одамлар,
Катта очинг деразаю эшикни.
“Кўп ухламанг, камаяди ризқингиз”,
Дея ҳар тонг хўроз бошлар кўшиқни.

Наъра тортиб бу дунёнинг барига,
Яхшиликлар тилаб элни уйғотар.
Ғивираган жонзот борки кўз очар -
Қурт-қумурсқа, ҳамма учун тонг отар.

Хўроз уни буйруғидек Тангрининг
Чор тарафга тонг-ла бирга таралар.
Қуёш чиқар оппоқ тонгнинг ортидан,
Ернинг юзи олтин нурга беланар.

Хўроз тонгда кўш қанотин қоққанда,
Огоҳ бўлар тонг пайтидан ҳар бир жон.
Кўкка қараб бўйнин чўзиб чақирар,
Элга тилаб бахту иқбол ва иймон.

Йиғиб кучин жон койитиб ёлворган,
Кўнган ишин бажаради ҳар тонгда.
Хўроз унин уқсанг тонгда лол қолма.

ЧҰҚҚИ КҰРАР

Тоғни севар бу қирғизинг,
Тоғ устига тиклар уйин.
Кўзин очиб, тоғ сувига
Тилак тилаб чаяр юзин.

Тақдир бўлиб тоғ яралган,
Атрофи баланд ўралган.
Гиёҳ териб, илдизин еб,
Оғир кунда хор бўлмаган.

Тоғи асраб унгурларда,
От чиқолмас дара, қоя,
Яшириниб чўққиларда,
Ёвни енгган неча бора.

Асрий тоғлар очиб бағрин,
Кутиб олган сафарлардан,
Қалқон бўлиб азаматлар,
Ўғлонларин зафарлардан.

Тоғ муқаддас, ўсган ери
Авлиёдай қирғизимнинг.
Кучоқ очган тоғлар деди:
“Тоғлар жони бир қизингнинг”.

Чўққиларда дунё таниб,
Тангри амрин бажарганин
Бир қирғиздан ўзга билмас,
Чўққи кўрар уйғонган Кун.

Ватанимнинг юрагида
Чўққи кўрар уйғонса Кун!

БАҲОР ТУНИ

Нурсиз кўча, гувлаб шамол,
Кўркув солар барчага.
Зах анқиган баҳор туни
Қишдан ҳориб-чарчаган.

Бош-оёғи билинмаган
Тун зулмати чекинмас.
Хотиралар эскиб борар,
Қор остига бекинмас.

Шамол тинмай юмталайди,
Бет-кўлимни, сочимни,
Чидолмасдан чақираман
Айтиб такрор отингни.

Чақирим етмас сенга,
Ҳисларингни кўзимас.
Чақнаб турган икки кўзинг
Бошқа энди, ўзимас.

Икки қулоқ яшил майса
Турдими уйқусидан,
Тушмай ҳали офтоб нури,
Жонланибди туйқусдан.

Сени излаб, қароқларим
Ёруғ қилди бу тунни...

БЕЗОР ҚИЛМА

Бир амаллаб кун ўтказиб,
Ҳаётингдан норозисан.
Қўп нолийсан “оҳ-воҳ” дея,
Ўзинг ўзингга қозисан.

Мақсад нима яшамоқдан,
Қўп туманли ўйинг қандай?
Безор қилдинг кунда Кунни,
Ташвишларни енга олмай.

Нолийсан-да шукр қилмай
Юрганингга омон-эсон,
Қўлинг бутун, кўзларинг соғ,
Шол, дудуқ ҳам яшар экан...

Кўришга зор, юришга зор,
Интилишар ўлмасликка.
Тилак тилаб, қўшиқ куйлаб,
Боришмайди ҳеч “пастлик”ка.

Нолалари дилни ўртар
Ногиронлар босмай қадам.
Ярашмаскан эзилса гар
Тўрт мучаси бутун одам.

Тавба қилгин, шукр қилгин,
Тўла-тўкис кўриб ўзинг.
Кўйлак, чопон ва бошқалар
Бўлмас қулоқ, нури кўзинг.

Безор қилма кунда Кунни,
Ташвишларни енгмай ойлаб.
Олдиндадир муздек, тубсиз -
Қоронғулик турар пойлаб.

Эсизгина ўтган фурсат,

келар -
муздек, тубсиз қоронғулик!

НУРАФШОН ТОНГ

Қиш турар ташқарида қалтираган,
Оқ шоҳи кўйлак кийиб ялтираган.
Хаёли ўзгарувчан, қуюқ туман
Алмашар оч бўронга гуркираган.

Ишлари алғов-далғов ва қуюнли,
Ёққан қор ерга тегмай қайта учар.
Изиллаб қуютидан сиғмай ичга,
Қоронғу тун бағрида яна кучар.

Чексиздир хаёллардай тун қуюни,
Бир четдан бут борлиқни қамраб олган.
Кўкда на юлдузу ой кўринмас,
Ер бетин босиб турар тундай армон.

Чидамнинг чеки етиб, кучаб қаҳри,
Жунжикар қоронғулик, қиш қаҳратон.
Хўрозлар қуқулашиб қоқар қанот,
Ҳолсираб тун қароқчи, отади тонг.

Чақирар хўроз элга ёруғликни,
Тангрига ўз қадрини солиб юриб.
Сўзлашар хўв еттинчи осмон билан,
Кўз тикиб, қўш қанотин ёзиб туриб.

Қиш турар ташқарида қалтираган,
Тонг отди мана яна ярқираган!

Бургутнинг армони ҳам биз сизангиз
Қушларда, хўв олисангиз ерда қолган.

Дилим оғриб тўлиққан осмонимнинг!

ЖИМИРЛАГАН ЧЕКСИЗЛИК

Денгиз сокин, шовиллаган шамол йўқ,
Ҳаво очик, сурилибди булутлар.
Жимирлаган кўк чексизлик сирдошим,
Жон қийнаган ғам-ғуссани унутган.

Аста-аста кўникайин жон қувнаб,
Унутайин соғинчларни сарғайган.
Қутулайин бир муддатга армондан,
Бу дунёда борлиғимни қамраган.

Бўшатайин маҳкам тортган жиловни,
Тулпор шошсин шамолдай тез учмоққа.
Кенгайсин-чи торайган бу гул дунё,
Танҳо шайман зўр курашда ютмоққа.

Дам олайин қалқиб ётган денгиздай,
Офтоб, ойин аллаласин осмоним.
Ғалабанинг нашидаси сезилсин,
Байрам қилсин, шодлансин бу ёш жоним.

Чидаб бўлмас зўр ёлғизлик, юриш бор,
Денгиз сокин, шовиллаган шамол йўқ.
Бугун ухлаб, сурилибди булутлар!

Безор килма кунда Кунни,
Ташвишларни сизмай ойлаб.
Олдиндадир муздек, тубсиз -
Қоронгулик турар пойлаб.
Эсизгина ўтган фурсат,

келар -
муздек, тубсиз қоронгулик!

ОРТДА ҚОЛАР

Олис йўллар дунё кезар бепоён
Бургут бўлмас макони йўқ, саргардон.
Ёт элларга кетар бўлса иложсиз,
Жисму жонин ўртар кўз ёш ва армон.

Тугамайди армон айтган сўз билан,
Армон асли эрур чексиз бир уммон.
Теран кетган мард инсоннинг томири,
Бу сабоқни боболардан у олган.

Етмаган бургут уни кўп ерларга,
Буюрса етиб борар кўкда, пастда.
Яратган меҳрибондир, буйруқ бўлиб,
У кунлар ортда қолар секин-аста.

Сен менга интилганинг рост бўлдимми?
“Чин дилдан айтган тилак бўлар қабул”,
Дердилар кўпни кўрган бобом, бувим.
Демак, сени кўрмоғим жуда мақбул.

Ўтирган кемам чайқар бўлиб бешик,
Каюта - билинмайди чиқиш, ботиш.
Мубтало бўлган оним дилим оғриб,
Насиб-да дунё бўйлаб кўп йўл босиш.

Дил оғриб қора булут қоплагандай,
Мен турган бу дунёни ўраб олган.
Бургутнинг армони ҳам биз соғинган
Кунларда, хўв олиски ерда қолган.

Дилим оғриб тўлиққан оним менинг!

МУНДАРИЖА

Таянч	3
Куз келди	4
Онам ёди	5
Йўл бердим	6
Бахтни жиловлаб	7
Баҳор уйғонди	8
Айтарим	9
Ҳақиқат деб	10
У	10
Аёз қўшиқлари	12
Қаровсиз кексалар	18
Иқболим бор экан	19
Ҳумо қуши	20
Хондай яшай деб	21
Кунлар куйди	22
Яратганга олқиш	23
Қизлари эдик	24
Гулдай болалик	25
Хўроз уни	26
Хўрознинг қўшиғи	27
Чўққи кўрар	28
Баҳор туни	29
Безор қилма	30
Нурафшон тонг	31
Жимирлаган чексизлик	32
Ортада қолар	33

Адабий-бадиий нашр

Тазагул Закирова

ТОҒЛАР ВИҶОРИ

Шеърлар

*Қирғиз тилидан Розия Холхўжаева
таржималари*

